


ФАРҒОНА – ОМСК:



ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР ЯНГИ БОСҚИЧДА ДАВОМ ЭТАДИ

ХУДУДЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ВА ФАОЛЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ХАЙРУЛЛО БОЗОРОВ БОШЧИЛИГИДАГИ ВИЛОЯТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ОМСК ВИЛОЯТИДА БЎЛДИ.

Д

астлаб вилоят делегацияси Омск вилояти ҳукумати расмийлари билан учрашди. Самимий руҳда ўтган мулоқот чоғида таълим, туризм, саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти, аҳоли бандлиги масалаларида ўзаро ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров эътироф этганидек, бугунги кунда Ўзбекистон – Россия муносабатлари янги босқич – кўп қиррали стратегик иттифоқчилик ва ишончли ҳамкорлик даражасига кўтарилди, ҳудудлараро алоқалар феолашиб

бормоқда. Жумладан, Фарғонада ўзаро ҳамкорликда 122 та корхона фаолият олиб бормоқда, ўтган йилда 26 та лойиҳа амалга оширилиб, 113 миллион АҚШ долларлирик тўғридан-тўғри инвестиция жалб этилди.



Давоми 2-бетда.



ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУСТАҲКАМ ҚАДАМ

Ражаббой АҲМАДЗОДА,
Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти раиси

Сўғд вилоятида Тожикистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикалари давлат раҳбарларининг бирдамлиги, яхши қўшничилик аъёнларини оқилона давом эттириб келаётганлиги самараси ўлароқ, минтақалар ўртасидаги савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик мустаҳкамланиб бормоқда. Ушбу сиёсат доирасида уч томонлама учрашувлар конструктив руҳда ўтмоқда ва бу азалий қўшни давлатларда яшовчи халқларнинг қонқардошлик ришталарини янада мустаҳкамлашга, фуқароларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Дастлаб Урумчи шаҳрида Хитой коммунистлар партияси марказий қўмитаси сиёсий бюроси аъзоси, Шинжон-Уйғур автоном райони партия қўмитаси котиби Ма Синжуй бошчилигидаги расмийлар билан кенг доирада ўтказилган музокараларда икки ҳудуд ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Давоми 2-бетда.

Жорий йил 31 март куни қадимий Хўжанд шаҳрида дўст ва биродар мамлакатлар раҳбарлари – Тожикистон Республикаси Президенти Эмомалӣ Раҳмон, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Республикаси Президенти Садир Жапаров ўртасида олий даражадаги учрашув ташкил этилгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Самимий ва дўстона ўтган музокараларда уч давлат ўртасидаги яхши қўшничилик, азалий ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Учрашувада давлатлар раҳбарлари фалол ва ишончли алоқаларни давом эттиришга келишиб олдилар. Ўзтиборлиси, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлат chegaralarининг туташ нуктаси тўғрисидаги тарихий шартнома имзоланди, "Абадий дўстлик тўғрисида"ги декларация қабул қилинди, chegaralar туташган ҳудудда "Дўстлик стеласи" тантанали равишда очилди.

Айтиш мумкинки, имзоланган муҳим тарихий ҳужжатлар қардош мамлакатлар ўртасида мустаҳкамланиб бораётган дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ва стратегик шериклик муносабатларининг янги рамзи тарих саҳифасига битилди. Аслида тожик, ўзбек ва қирғиз халқларининг минтақавий ҳамкорлиги узок тарихга эга бўлиб, бугунги авлод ҳам аждодларимизнинг эзгу аъёнларига хурмат билан муносабатда бўлиб келмоқда.

Тожикистон Республикаси халқаро ҳамжамиятининг фаол аъзоси сифатида тез ўзгариб бораётган дунёда ўзининг муносиб ўрнини мустаҳкамлаш қаторида, минтақа ва дунё мамлакатлари билан стратегик муносабатларни кўллаб-қувватлаб келмоқда. Бугунги кунда Тожикистон Республикаси 100 дан ортқ давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларга эга. Халқаро ва минтақавий ташкилотлар, хусусан, Евроосиё иқтисодий иттифоқи, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги интеграция бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Ташқи савдода вилоятнинг асосий ҳамкорлари Россия Федерацияси, Қозоғистон, Ўзбекистон, Хитой Халқ Республикаси, Туркия, Корея Республикаси каби давлатлар ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатларидир. Шунингдек, халқаро молия ташки-

лотлари, жумладан, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Ислам тараққиёт банки ва бошқа мамлакатларнинг кўллаб-қамғармалари ҳамда фондлари билан ҳам ҳамкорлик муносабатлари самарали олиб боришмоқда. Вилоятда инвестиция ҳажмини ошириш учун астойдил ҳаракат қилинаётганини қайд этиш лозим. Иқтисодий прагматизм ва ўзаро англашув асосида барқарор икки ва кўп томонлама давлатлараро алоқаларни кенгайтириш мақсад қилинган.

Президент ва республика ҳукумати мамлакатда тадбиркорликни изчил йўлга қўйиш ва саноатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётгани самараси яққол кўзга ташланиб қолди. Бугунги кунда вилоятда 1200 дан ортқ саноат корхоналари фаолият юритиб, 300 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда.

Шу ўринда Сўғд вилоятининг иқтисодий-ижтимоий ҳаётига қисқача тўхталадиган бўлсак, ҳудудда 3 миллиондан ортқ аҳоли ишқомат қилади. Вилоят қадимий тарих ва аъёнларига, қўлай геосиёсий жойлашувга, унумдор ерга, ривожланган саноатга, тадбиркорлик ва инвестициялар учун қўлай муҳитга эга. Минтақа табиий ресурсларга бой бўлиб, олтин, кумуш, кўроғошин, рух, кўмир, мрамор каби фойдали элементларни қазиб олувчи кончилик ва металлургия заводлари мавжуд.

Тожикистон Республикаси ҳукуматининг кўллаб-қувватлаши билан Сўғд вилояти узок ва яқин хорижий давлатлар билан ҳамкорлик тўғрисида битим ва меморандумлар имзолаган бўлиб, 60 дан ортқ мамлакат билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларига эга. Вилоятнинг йиллик ташқи савдо айланмаси 3 миллиард АҚШ долларини ташкил этиб, асосан маъдан ва концентрат, қурилиш материаллари, пахта толаси ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинади.

2024 йилда вилоят миқёсида 166 янги корхона ва цех ишта туширилган бўлиб, уларда 2060 та янги иш ўрни яратилди. Жорий йилда 12 мингдан ортқ ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга иншоотлар қурилиши ва реконструкцияси, шунингдек, 700 дан ортқ янги саноат корхонаси ва цехлари ташкил этилиши натижасида 14 мингдан ортқ янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

Тожикистоннинг, жумладан, Сўғд вилоятининг гўзал табиати туризм соҳасининг ривожини учун жуда мос келади. Бу минтақа тарихий ёдгорликларга бой бўлиб, ҳозирда вилоятда 1190 дан ортқ тарихий, маданий ва меъморий ёдгорликлар рўйхатга олинган.

2019-2021-йилларда Сўғд вилояти ҳудудидаги олпига тарихий, маданий ва меъморий ёдгорликларини ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киришти бўйича муҳим ишлар амалга оширилди.

Сўғд вилояти Ўзбекистон Республикасининг Фарғона вилояти билан chegaradoш. Ўзаро ҳамкорлик алоқаларимиз деярли барча соҳаларда йўлга қўйилган. Муҳими, ҳар икки вилоят ривожланиш ва тараққиёт йўлидан дадил бормоқда.

ФАРҒОНА – ХИТОЙ:

КўП ТОМОНЛАМА ХУДУДЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ



ШУ ҲАФТАДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ХАЙРУЛЛО БОЗОРОВ БОШЧИЛИГИДАГИ РАСМИЙЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАРДАН ИБОРАТ ДЕЛЕГАЦИЯ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ШИНЖОН-УЙҒУР АВТОНОМ РАЙОНИДА БЎЛДИ.

Учрашувада бугунги кунда Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари янги даврга, сифат жиҳатдан янги босқичга чиққанлиги, бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ўртасидаги яқин, самимий ва биродарлик ришталари муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Шу жумладан, Шинжон-Уйғур автоном райони ва Ўзбекистон ўртасидаги самарали ҳамкорлик эътироф этилди.

Давоми 2-бетда.

Жараён

ТАҲРИРИЯТ ВА МУАССИС

ҲАМКОРЛИГИНИНГ БЕШАРИҚ ТАЖРИБАСИ

Келаси 2026 йилда Бешариқ тумани ташкил топганига юз йил тўлади. Ҳозир ҳудудда 247 минг аҳоли ишқомат қилмоқда. Туман вилоят марказидан 130 км узоқликда жойлашган – Тожикистон Республикаси билан chegaradoш.

Бешариқда сўнгги йилларда барча соҳаларда ўсиш рўй берди.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш

2020 йилдаги	2024 йилда	ёки
622,6	1 триллион 442	229
миллиард сўмликдан	миллиард сўмликка	фоизга ортди.

Бешариқ тумани ҳокими Расулжон Жўраев Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ҳамда Фарғона вилоят ҳокимлигининг Фахрий ёрликлари билан тақдирланди. Хўш, ҳоким қандай хизматлар қилдики, уни бу қадар эъзозлашмоқда?



Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми эса

2020 йилдаги
1 триллион 414
миллиард сўмликдан

2024 йилда
2 триллион 917
миллиард сўмликка

ёки
201 фоизга ўсди.

Давоми 4-бетда.

КЎП ТОМОНЛАМА ҲУДУДЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

(Бошланиши 1-бетда).



Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров икки давлат ҳудудлари ўртасидаги ҳамкорлик стратегик шерибликнинг самарали механизмига айланганлигини қайд этиб, Фарғонанинг улкан иқтисодий-инвестициявий имкониятлари ҳақида маълумот берди. Кишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, туризм, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, таълим каби йўналишларда ҳамкорликни ривожлантириш бўйича таклифлар билдирилди. Хусусан, Шинжоннинг кишлоқ хўжалигини барча йўналишларидаги илғор тажрибалари ва технологияларини вилоятимизда жорий этиш, Қува туманида мева ва манзарали кўчатчилик марказини очиб, икки ҳудуд Савдо-саноат палаталари уюشمасини ташкил қилиш таклифлари илгари сурилди.



Вилоятимиз делегацияси шинжонлик тadbirkorлар ва компаниялар вакиллари билан учрашув ўтказди. Ўзбекистоннинг Шинжон-Уйғур автоном райони билан товар айирбошлаш ҳажми ошиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатларимиз ўзаро савдосининг қарийб 10 фоизи шу ҳудудга тўғри келади. Хайрулло Бозоров мулоқот чоғида мамлакатимизда, хусусан, Фарғонада хорижий инвесторлар учун яратилган шaroитлар, берилаётган имкониятлар ҳақида маълумот берди.

Шинжонлик тadbirkorлар "ақли" кишлоқ хўжалиги, қурилиш маҳсулотлари, электротехника, алюмин эшик ва ромлар ишлаб чиқариш каби истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, Фарғонага инвестиция киритишга катта қизиқиш билдираётганлигини маълум қилишди. Уларнинг ҳамкорлик бўйича таклифлари қўллаб-қувватланди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон ва Хитой шахарлари ўртасида яна бир янги йўналиш – Фарғона – Урумчи – Фарғона йўналишидаги авиақатновга старт бериш маросими ўтказилди. Мазкур авиалавровз икки ҳудудни боғлаш, савдо, иқтисодий-инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш, туризм йўналишида муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, Шинжон-Уйғур автоном райони ишбилармонлари билан ташкил этилган бизнес-форумда иштирок этган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқалар изчил суръатда ўсиб

келаётганлигини таъкидлаб, бу муҳим тadbirkorликни янги босқичга олиб чиқишини билдирди.

Вилоят ҳокимининг Хитой инвестицияларини жалб қилиш масалалари бўйича бизнес маслаҳатчиси этиб тайинланган Чжан Чжунхуа таништирилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Нуриддин Мамажонов вилоятимизнинг инвестицион салоҳияти, инвесторлар учун яратилган шaroитлар, Президентимиз томонидан тadbirkorликни ривожлантириш бўйича берилган имтиёзлар ҳақида тақдими ўтказди.

Форумда тadbirkorлик алоқаларини ўрнатиш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича бир қатор муҳим келишувларга эришилди. Эътиборлиси, Фарғона вилояти ва Шинжон-Уйғур автоном райони ўртасида савдо, логистика, тиб-

биёт, электротехника, кишлоқ хўжалиги, туризм, таълим каби соҳаларда янги лойиҳаларни амалга ошириш борасида 95 миллион АҚШ долларлирик шартномалар тузилди.

Хитой Халқ Республикасида амалий ташриф билан бўлиб турган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бошчилигидаги вилоят делегацияси Гуандун провинциясидаги Гуанчжоу шахрида қатор компаниялар раҳбарлари билан учрашув ўтказди. "Guangdong AVCT technology holding Co.,Ltd" компанияси фаолияти билан танишилди. Сиан шахри ва Цзян провинциясида "Қўқон" ЭИЗ ва "Қўқон технопарки" ҳудудларига йирик хитойлик инвесторлар иштирокидаги лойиҳаларни жойлаштириш бўйича учрашувлар бўлиб ўтди.

Музокаралар давомида скутерлар учун шина, болалар ўйинчоқ машиналари, фармацевтик жиҳозлар, дори воситалари, уй ва автомобиллар учун пропан газ баллонлари, электроскутерлар аккумуляторлари ишлаб чиқариш бўйича келишувларга эришилди.

Қадимий Буюк Ипак йўлидаги муҳим савдо маркази бўлган Қошғар шахрида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Мирзохид Убайдуллаев ва Қошғар округининг расмийлари ўртасида бўлиб ўтган мулоқотда туризм йўналишида ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

(Фарғона вилояти ҳокимлиги Аxborot хизмати хабарлари асосида тайёрланди).

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР ЯНГИ БОСҚИЧДА ДАВОМ ЭТАДИ

(Бошланиши 1-бетда).

Учрашувда видеоконференц-алоқа тизими орқали иштирок этган Омск вилояти губернатори Виталий Хоценко икки ҳудуд ҳамкорлигини янада ривожлантириш, қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари ҳақида гапириб ўтди.

Тақдимиотлар давомида ҳар икки ҳудуднинг мавжуд салоҳияти ва имкониятлари ҳақида атрофлича маълумотлар берилди. Ҳамкорликда янги лойиҳаларни бошлаш, ишларни жаддаллаштиришга келишиб олинди.

Ташриф доирасида Омск шахрида Фарғона улғуржи тақсимлаш логистика марказини биринчи босқичи ишга туширилди.

Ўзбек бизнесменлари таъсисчилигида 700 миллион рубль сарфланиб қурилган "Фрукт-

сити" улғуржи тақсимлаш логистика маркази 9 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, у замонавий инфраструктура асосида барпо этилган. Марказ ҳар бири 380 квадрат метрдан иборат 16 та ангарларни ўз ичига олади. Улар кенг ва қулай, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва қулай шaroитда сотиш имконияти мавжуд. Бозор ҳудудида турли хил кишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа истеъмол товарлари сотувига мўлжалланган 72 та савдо дўконлари фаолият юритади.

Логистикада 450 та юк машинаси учун мўлжалланган турароқлар ташкил этилган, бу улғуржи савдо жараёнини улғусиз ва тизимли равишда ташкил этишга хизмат қилади.

Ўзаро ишонч ва стратегик шериклик натижасида ишга



туширилган марказнинг бир қисмида Фарғона савдо уйи ҳам очилди. Эндиликда вилоятимизда этиштирилган сифатли кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тўғридан-тўғри Россия истеъмолчиларига етказиб берилади. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, бу ерда 800 нафардан зиёд Ўзбекистон фуқароси доимий иш ўрни билан таъминланади.

Тантанада сўзга чиққан вилоятимиз раҳбари Хайрулло Бозоров табиий, юқори сифатли

кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари Фарғонадан россиялик истеъмолчиларга тез ва сифатли етиб келишида замонавий логистиканинг ўрни катта бўлиши, тез орада истиқболли лойиҳанинг иккинчи ва учинчи босқичлари қурилишини айтиб ўтди.

Марказда кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди. Вилоят ҳокими тadbirkorлар билан мулоқот ўтказди, уларнинг муносабатлари ва таклифларини эшитди.

Шунингдек, Фарғона вилояти делегацияси аъзолари Омск инновация технологиялар заводи ва "Макошь" саноат зонасида бўлишди. Объектлардаги ишлаб чиқариш жараёнлари, замонавий технология линиялар ҳамда экспорт салоҳияти билан яқиндан танишдилар.

(Фарғона вилояти ҳокимлиги Аxborot хизмати хабарлари асосида тайёрланди).



мини ислох қилиш ва кадрлар тайёрлаш жараёнини жаддаллаштириш мақсадида вилоятда олий таълим муассасасини ташкил этиш масаласи қўриб чиқилди. Бу даврда Ўзбекистонда ягона олий таълим муассасаси сифатида фақат Тошкентда жойлашган Урта Осиё давлат университети фаолият юритади. Бироқ, бу университет кишлоқ мактаблари учун етарлича ўқитувчи кадрлар тайёрлаб бера олмас эди. Шу сабабли, ЎзССР Халқ комиссарлари советининг

ФАРҒОНА ОЛИЙ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ 1930 йилда минтақада саводхонликни ошириш, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА МАЛАКАЛИ ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЭХТИЁЖИ НАТИЖАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. ИНСТИТУТ ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ РОЛЬ УЙНАБ, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲАДА МУҲИМ ЎРИН ТУТДИ. БУГУНГИ КУНДА УШБУ МУАССАСА ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ НОМИ БИЛАН ФАОЛИЯТ ЮРИТИБ, ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЕТАКЧИ ЎҚУВ ДАРҒОҲЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА ТАНИЛГАН.

Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ,
Фарғона давлат университети ректори,
педагогика фанлари доктори

Фарғона водийсидаги илк олий ўқув юрти

Фарғона водийси қадимдан Ўзбекистоннинг муҳим маданий, иқтисодий ва сиёсий марказларидан бири бўлиб, бу ҳудудда таълим ва илмий-маърифий ҳаракатнинг ривожига алоҳида аҳамият касб этган. XX аср бошларида халқ маорифи тизимини модернизация қилиш, малакали кадрлар тайёрлаш ва саводхонлик даражасини ошириш эҳтиёжи кучайди. Айнан шундай ижтимоий шaroитда замонавий мактаб тизимининг шаклланиши Ўзбекистон халқ маорифи тарихида муҳим босқич бўлди. Бу жараёнда атоқли ўзбек олими Т.Н.Қори-Низов алоҳида роль ўйнади. 1920 йилда унинг раҳбарлигида Фарғонада ўзбек мактаби ташкил қилинди ва вилоятда дастлабки иккинчи босқич ўзбек меҳнат мактабига айлантирилди. Ушбу мактаб ўқувчиларга она тилида таълим бериш илк муассасалардан бири эди.

Мактаб фаолиятида ўқитувчилар тайёрлаш жараёни муҳим аҳамият касб этгани боис, унинг негизида Қўқонда педагогика техникуми ташкил этилди ва водий халқ таълими тизимида янги босқич бошланди.

Қўқон педагогика техникуми 1924 йилда илк битирувчиларини тайёрлаб чиқарди. Улар кам сонли бўлгани боис, "Янги Фарғона" газетаси ушбу ҳодисага катта эътибор қаратиб, "Бу ўн учта битирувчи ўн уч мингга бўлсин" деб ёзган эди. Газетада битирувчилар "ўн уч қалдирғоч" дея таърифланиб, ёш педагогларнинг келажақдаги ўрни юксак кадрлангани таъкидланган. Техникум қошида "Намуна мактаби" ва интернат ҳам ташкил қилиниб, бу муассасалар кишлоқ мактаблари учун намунавий ўқув услубларини татиқ қилишда муҳим ўрин тутди.

Интернатда ўқувчилар давлат ҳисобидан таъминланиб, уларга текин озиқ-овқат, кийим-кечак ва ўқув қуроллари берилган. Таълимида бундай ўзгаришларнинг ўзи бериши олий таълим муассасасига эҳтиёжнинг ортишига олиб келди. XX аср 20-йилларининг охирига келиб, кишлоқ мактаблари учун педагог кадрлар етиштирилиши янада сезиларли тус олди. Ўзбекистон ССР ҳукумати томонидан таълим тизи-

1930 йил 23 мартдаги "1930 йил 1 майдан Фарғона олий педагогика институтини очиб тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, ўқиб муддатга уч йил бўлган Фарғона олий педагогика институтини очилди.

Институт дастлаб "Молотов номи Фарғона давлат педагогика институтини" деб аталиб, Ўзбекистондаги иккинчи педагогика олий таълим муассасаси сифатида 1930 йил апрель ойида ташкил этилди. Унинг таркибига қолхоз ёшлари мактаби факультети ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва табиий-биология бўлимлари кирди.

Водийда бундай муассасанинг вуҷудга келиши минтақадаги ижтимоий-маданий эҳтиёж ва мавжуд шaroитлардан келиб чиққан эди. XIX асрнинг 80-йилларида Фарғона шахрида маъмурий бинолар қурилиши бошланди. Ушбу жараёнда шахар бошқарув тизимини шакллантириш ва инфраструктура ривожлантиришга қаратилган муҳим ишчиошлар барпо этилди. Хусусан, уезд бошлиғи учун турар жой ва идора биноси, шунингдек, эркаклар гимназияси ва офицерлар уйи пойдевори қурилди.

Архитектор Г.М.Сварчевский лойиҳаси асосида 1902–1904-йилларда эркаклар гимназияси биноси қурилди. Бугунги кунда мазкур обида университетнинг асосий биноси сифатида фаолият юритмоқда. Гимназия шахардаги иккинчи 2 каватли бино бўлиб, уни тошкентлик савдогар ўз маблагини ҳисобидан қурдирган. Қурилиш учун керакли материаллар маҳаллий ва узоқ ҳудудлардан етказилган. Жумладан, гишлар Ермоздордаги заводдан, темир ва ойналар эса Россиядан келтирилган. Бино Петербург қўйма заводига тайёрланган темир панжалар билан ўралган. Гимназия очилишида ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, қўйлаб манзарали дархатлар экилди. Бу воқеа нафақат таълим муассасаси ташкил этилиши, балки шахарнинг ижтимоий-маданий муҳитига қаратилган эътиборнинг муҳим намунаси эди.

Фарғона олий педагогика институтини ташкил топган илк даврда атиги 120 нафар талаба тахсил олган. Муассасанинг биринчи директори сифатида

профессор А.М.Красноусов фаолият юритган бўлса, ўқув бўлими мудири С.Н.Мишинга юклатилган эди. Бўлим мудири сифатида Ф.М.Бурнашев ва Р.К.Атажанов ишлаган.

Институт олдида қолхозчи ёшлар мактаблари учун юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда таълим муассасаларига методик хизмат кўрсатиш каби муҳим вазифалар қўйилган эди. Дастлабки пайтларда институт раҳбарияти бир қатор қийинчиликларини енгишига тўғри келди. Ташкилий тажриба етишмас, илмий-педагогик кадрлар, адабиётлар ва ўқув-услубий материаллар, жиҳозланган хоналар ва лабораториялар етарли эмасди. Ўқув бинолари масаласи ҳам жиддий эди, чунки институтта фақат кичик эски бино ажратилган бўлиб, унда маъмурият, ўқув қўлланмалари ва ускуналар билан жиҳозланган хоналар, лабораториялар ҳамда аудиториялар жойлашган эди.

Талабалар учун турар жой масаласи ҳам яхши эмас эди. Институт ташкил этилган йили махсус бино йўқлиги сабабли улар очиқ ҳавода қодир (палатка) ларга жойлаштирилган.

кўрсатди. Улар Фарғонага бир гуруҳ мутахассисларни юбориб, ўқув лабораториялари, хоналар ва кутубхоналарни жиҳозлашда қўмак бердилар. Етук олимларнинг институтга ташрифи эса уни юқори малакали илмий-педагогик кадрлар билан таъминлашда катта аҳамият касб этди.

1930 йилда институт профессор-ўқитувчиларининг 21 нафари эркак, 2 нафари аёллардан иборат бўлиб, 4 нафар профессор, 6 нафари доцент, 13 нафари ассистент эди. Профессорлар орасида физик И.И.Сиротин, зоолог С.В.Аверинцев, филолог В.М.Чисняков, математик А.В.Ланков; доцентлар орасида педагог С.В.Петротсенко, кимёгар В.А.Тенин, иқтисодчи И.Г.Волков, кимёгарлар А.К.Қудратов, К.И.Парменов; ассистентлар орасида эса ботаник И.Д.Николский, чизмачилик бўйича мутахассис А.К.Кончевский, одам анатомияси ва физиологияси бўйича А.К.Тислегин, тарихчи А.Қодиров, физик Г.Г.Тролле ва бошқалар бор эди.

Ушбу юқори малакали мутахассисларнинг фаолияти институтнинг дастлабки босқичларида ўқув жараёнини такомиллаштириш ва илмий фаолият олиб боришда муҳим роль ўйнади. Шу билан бирга, Фарғона олий педагогика институтининг дастлабки фаолияти даврида марказий шахарлардан ҳам таниқли олимлар келиб, талабалар учун маърузалар ўқиши муассасада илмий муҳит шаклланишида муҳим омил бўлди. Маса-



Мазкур мақоланинг лотин ёзувидаги матнини QR-код орқали ўқишингиз мумкин

лан, таниқли ёзувчи Йўлдош Шамшаров ўз хотираларида институтда илк тахсил олган талабалар қаторида бўлгани, тил ва адабиёт бўлими талабалари учун Боку шахридан ташриф буюрган профессор Бакир Чопонзовнинг қизилкарли ва мазмунли маърузаларини тинглаш бахтига муяссар бўлганини ёдга олган. Илк битирувчиларидан бири, академик Авлиё Мухаммадиев ўз хотирасида институтда ўқув жараёни ва унинг илмий-педагогик фаолиятини самарали йўлга қўйишда Самарқанд университети профессорлари – ботаник В.М.Меркулович, тарихчи С.И.Ланковский, география фани бўйича мутахассис Смирнов, фалсафа ва тарих бўйича доцент И.И.Мүминовнинг хизматлари катта бўлганини таъкидлаган.

Мақсад ва йўналишидан келиб чиқиб, Фарғона давлат педагогика институтини минтақанинг ижтимоий-маданий тараққиётида муҳим ўрин эгаллаб, маҳаллий педагогик кадрлар тайёрлаш ва халқ таълими тизимини мустаҳкамлашда катта роль ўйнади. Хусусан, Фарғона водийсида саводхонлик даражаси ошди, таълим муассасалари сони кўпайди. Айниқса, ўша даврда минтақада малакали ўқитувчилар танқислиги муаммосини хал этишга хизмат қилди.

Бугунги кунда ушбу институт ўз фаолиятини Фарғона давлат университети номи билан давом эттириб, минтақанинг нуфузли илмий-маърифий марказларидан бири сифатида фаолият юритмоқда. Университет замонавий таълим стандарти асосида педагогик, табиий ва ижтимоий фанлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлашда етакчи ўқув даргоҳларидан бири ҳисобланади. Университетнинг тарихий илдиэлари ва педагогик аъёналари бугунги кунда инновация ёндашувлар билан ўйғунлашиб, минтақадаги таълим сифати ва илмий изланишлар ривожига муҳим ўрин тутмоқда.

Шу боис, Фарғона давлат университети ўзининг илмий ва таълимий аъёналари орқали нафақат минтақа, балки бутун мамлакат миқёсида юксак нуфузга эга маскан сифатида жамият ривожига хизмат қилишда давом этмоқда.



Бошланиши 1-бетда.

Бешарикда ишлаб чиқарилаётган саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари дунёнинг 22 та мамлакатига экспорт қилинмоқда.

Маҳсулот ҳажми ва сифати жиҳатидан мамлакатда етакчи бўлган цемент ишлаб чиқарувчи "Ясин қурилиш моллари" Ўзбекистон – Хитой корхонаси ҳам Бешарикда жойлашган. У 2024 йилнинг ўзига 1,1 миллион тонна юқори сифатли цемент етказиб берди. Корхонада 200 миллион АҚШ долларидан зиёд хорижий инвестиция ўзлаштирилиб, 600 та янги ишчи ўрни яратилди. Корхона ўтган йили 645 миллиард сўмлик товар айланмасига эришди.

Ўзбекистон паррандачилиги байроқдорларидан бири – "Водий насли парранда" фермер хўжалиги ҳам Бешарикда. Бу ерда 500 минг бош товуқ боқил-япти.

2024 йилда у халқ дастурхонига 58,4 миллион дона юқори сифатли тухум ва 100 тоннадан ортиқ пархез гўшти етказиб берди. Цехларга Европанинг энг илғор парранда боқиш ва тухум олиш технологияси келтирилиб ўрнатилган. 6 қаватли товуқхонани аслида бир неча юқори малакали мутахассис – операторлар бошқаради.

Туманда кичик ва ўрта бизнес субъ-

ектлари ҳам ривожланган. Шерзоджон Эркабоев бошчилигидаги "Shenwood dizan" МЧЖ мебелсозлик, металлургия ва темирчилик, қурилиш ва таълим тизимлари ҳамда тикувчилик соҳасидаги корхоналарида жами 650 дан зиёд ёшлар, аёллар ишламоқда. Улар томонидан ўтган йили 7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ёки "Trust agro" мевани қайта ишлаш оилавий корхонасини олайлик. Жами 10 миллиард сўм банк кредити ва ўз маблағига лойиҳа амалга оширилди ва 50 та доимий, 200 та касаначи ҳамда мавсумий иш ўрни яратилди. Маҳсулот юз фоиз чет элга экспорт қилинади. Эътибор қилинг, Бешарикдаги биргина шу оилавий корхона 2024 йилда 3 миллион АҚШ доллариллик маҳсулот экспорт қилди.

Бешарикда тиббий туризм ҳам ривожланмоқда. Туманда 37 та ихтисослашган тиббий даволаш клиникалари мавжуд. Улар замонавий тиббий жиҳозлар ҳамда юқори малакали шифокорларга эгалиги учун ҳам водий ҳамда қўшни Тожикистон ва Қирғизистондан ҳам келиб даволанаётган беморларга хизмат кўрсатмоқда.

Хуллас, бундай муваффақиятли лойиҳаларни санаб адоғига етиш қийин. Биз туманда пахтани қайта ишлаш корхонасидан ташқари иккита дон комбинатла-

ТАҲРИРИЯТ ВА МУАССИС ҲАМКОРЛИГИНИНГ БЕШАРИҚ ТАЖРИБАСИ



ри борлиги, минг гектар майдонда қуёш панеллари ўрнатиб муқобил энергия олиш, Тожикистон билан чегарада эркин халқаро бозор қурилатгани, минг гектарли "Сариқамиш" қўли атрофида 15 миллиард сўм маблағ эвазига экотуризм тармоғи барпо этилаётгани ҳақидаги тафсилотларга тўхталмадик.

Бешарик туманида тадбиркорлик ҳам, қишлоқ хўжалиги ҳам шундай даражага етибдики, биз Наманган вило-

яти журналистлари улар ҳақида очерк ёзишга қарор қилдик, – дейди "Наманган ҳақиқати" газетаси бош муҳаррири Акрамжон Сатторов. – Шинам, ҳатто мухташам деса ҳам бўладиган янги бинога эга бўлибди туман газетаси таҳририяти. Бу туман ҳокимлиги, Бешарик халқининг матбуотга муносабатини кўрсатиб турибди. "Бешарик тонги" газетаси тажрибасидан ўрганадиган жиҳатларимиз кўп экан.

Фарғона вилояти ҳокими ва Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Бешарик тумани ҳокимини Фаҳрий ёрликлар билан юқоридаги ютуқлари учун тақдирламади.

Ҳар икки фаҳрий ёрликда ҳам "Ҳокимлик муассислигидаги газета фаолиятини намунали йўлга қўйгани, муассислик мажбуриятларини тўлиқ адо этаётгани, "Бешарик тонги" газетаси ҳодимлари ва тумандаги журналистларни доимо қўллаб-қувватлаётгани учун" деган ёзувлар бор.

Гап шундаки, Бешарик тумани ҳокимлиги муассислигидаги "Бешарик тонги" газетаси сўнгги бир неча йиллардан буюн 5-7 минг нусхада чоп этилади. Унинг саҳифаларидаги таҳлилий мақолаларни қўтиб ўқийдиган ўз мухлислари шаклланган.

"Меҳнат шухрати" ордени соҳибни Собиржон Темиров бошчилигидаги аҳил ижодий жамоа муассис – туман ҳокимлиги ҳамкорлигида фаолият кўрсатади. Газетада чоп этилган ҳар бир танқидий мақола "Ҳокимлик соати"да муҳокама қилинади ва тегишли чоралар қўрилади. Яна бир жиҳат шундаки, муассис билан келишилган ҳолда обуна таҳририятнинг ўзи ташкил этади ва ўқувчига газетани ўз транспорт воситасида у чоп этилган куникчи етказиб беради. Бунинг учун ҳайдовчи-таркатувчи иш ўрни очилган. Ўтган 2024 йилда эса таҳририят обунадан, яъни ўзи ишлаб топган соф фойда ҳисобидан эски бино ўрнида янги бинони қуриб ишга туширди.

Газетачиликнинг нуфузи пасайган, туман газеталари ёпилиб кетаётган бир пайтда "Бешарик тонги" газетасининг бугунги фаолияти барча босма нашрларга ибрат бўла олади, – дейди "Янги Ўзбекистон" газетасининг Фарғона вилоятидаги муҳбири Расулжон Камоллов. – Газета ўзи ишлаб топган даромад ҳисобидан ўзи учун янги бино қурган, моддий-техник базасини мустаҳкамлаган. Албатта, бундан ибрат олиш керак.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари босма

нашрлари муҳаррирлари учун "Бешарик тонги" газета таҳририятига уюштирган медиатурда ҳамкасблар ўзаро тажриба алмашдилар.

Фарғона, Андижон ва Наманганлик журналистлар қатнашган ўшбу тадбирда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов ҳам иштирок этиб, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида соҳага қаратилган алоҳида эътибор, айтиш мумкин, босма нашрларнинг миллий медиа майдонига тўтган ўрни, "Бешарик тонги" газетаси тажрибаси ва уни оммалаштириш хусусида сўз юритди.

Шунингдек, уюшма раиси в.б. бир гуруҳ ижодкорлар ва журналистлар билан биргаликда "Дўстлик стеласи"ни бориб қўридилар.

Шундан сўнг таҳририят ҳудудида "Журналистлар боғи"га асос солинди. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва водий вилоятлари етакчи босма нашрлари вакиллари бу ерда дарахт қўчқларини экидилар.

Давра сўхбати, қизгин савол-жавоблар муассис – туман ҳокимлигида давом этди. Бешарик тумани ҳокими Расулжон Жўраевга Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва Фарғона вилояти ҳокимлигининг Фаҳрий ёрликлари тантанали равишда топширилди. Бундай эътироф, аввало, муассиснинг "Бешарик тонги" газетаси таҳририятини ҳар жиҳатдан ва узлуқсиз қўллаб-қувватлаб, сўз, матбуот эркинлиги талабларига оғишмай рияо этиб келаётгани учун эди.

Замон талабларидан келиб чиқиб, газетанинг электрон шаклини ишга туширамиз. Ҳокимлик ахборот хизматидаги медиа гуруҳини таҳририят билан бирлаштириб, видеоконтентларни қўлайтиришга ургуберамиз, – дейди туман ҳокими.

Биргина Фарғона вилоятида Учқўприк, Бағдод, Олтиариқ каби туманлар ва Кўкон шаҳар ҳокимлиги муассислигидаги газеталар чиқиб-чикмай турган бир даврда Бешарик тажрибасидан фойдаланиш жоиз эмасми?!

Муҳаммаджон ОБИДОВ.
Элёр ОЛИМОВ ва Муқимжон ҚОДИРОВ олган таҳрирлар.

("Хурият" газетасининг 2025 йил 16 апрелдаги 15-сонидан олинди).

Янги Ўзбекистон бўйлаб САЁҲАТ



Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳодимлари касба уюшмаси Фарғона вилоят бирлашган кўмитаси "Ўзбекистон касба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги" муносабати билан тизимдаги корхона ва ташкилотларда ишловчи 30 нафар ишчи-ҳодимлар ва меҳнат фахрийларининг Тошкент вилоятининг сўлим зиёратгоҳ ва табарруқ қадамжоларига саёҳатларини ташкил этди.

"Янги Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил" шиори остидаги тадбир кунларида 10 нафар меҳнат фахрийлари "Заркент" санаторийсида соғлиқларини тиклаган бўлса, 20 нафар ишчи-ҳодимлар мароқли дам олиш билан бирга, спортнинг шахмат-шашка, стол тенниси, волейбол турлари бўйича мусобақаларида иштирок этишди. Ҳолиблар муносиб рағбатлантирилди.

Муқаддасхон АБДУЛЛАЕВА,
Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳодимлари касба уюшмаси Фарғона вилоят бирлашган кўмитаси раиси.

Савол беринг – жавоб берамиз!

САВОЛ: – Давлат хизматлари маркази орқали хизматлардан фойдаланишда ортиқча тўловни амалга оширибман. Энди бу маблағни қандай тартибда қайтариб олсам бўлади?

Гўзал ШАВКАТОВА,
Фарғона шахри.

ОРТИҚЧА ТЎЛОВНИ ҚАЙТАРИШ ТАРТИБИ МАВЖУД

– Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 30 мартда рўйхатдан ўтказилган "Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ихроси тўғрисидаги йўриқнома"га асосан давлат хизматлари марказлари орқали хизматлардан фойдаланишда жисмоний ва юридик шахслар томонидан ортиқча тўланган тўловлар, шунингдек, давлат хизматини тезлаштирилган тартибда кўрсатиш учун қўшимча тўланган йиғимлар суммаси (тезлаштирилган тартибда кўрсатилмаган тақдирда) содда-лаштирилган тартибда Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жағфармаси маблағлари ҳисобидан бир иш кўни ичида қайтарилади. Бунда қайтариб берилган маблағлар вазирлик томонидан тегишли давлат органлари ва ташкилотларидан регресс тартибда ундириб олинад.

САВОЛ: – Яқка тартибдаги турар жойга кадастр паспорти

тайёрлатмоқчи эдим, бу қанча муддатни ўз ичига олади?

Рустам ҚҲҲҲҲҲОВ,
Марғилон шахри.

МУДДАТ ОБЪЕКТ МУРАККАБЛИГИГА ҚАРАБ БЕЛГИЛАНАДИ

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 сентябрдаги "Кадастр соҳасида айрим давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғ-

рисида"ги қарорига асосан, кадастр паспорти объектнинг мураккаблигига қараб қўймас мулк объектларининг турар жойга оид қисми бўйича қўп квартираларни уйдари хонадон учун уч, яқка тартибдаги турар жой учун беш иш кўнигача бўлган вақтда тайёрланади.

Шунингдек, қўчмас мулк объектларининг нотурар жойга оид қисми ҳамда яхлит қўп квартиралар уйлари бўйича умумий майдони 100 квадрат метргача беш, 100 квадрат метрдан 1 000 ква-

драт метргача етти, 1000 квадрат метрдан 5000 квадрат метргача ўн, 5000 квадрат метрдан 15000 квадрат метргача ўн беш, 15000 квадрат метрдан 50000 квадрат метргача йигирма, 50 000 квадрат метрдан ортиқ бўлганда йигирма беш, ажратилган ер участкалари бўйича уч иш кўнигача бўлган даврни ўз ичига олади.

Саволларга Тошлоқ тумани давлат хизматлари маркази баш мутахассиси Жаҳонгир МАҲМУДОВ жавоб берди.

қиш тўғрисида ҳудуддаги Пенсия жағфармаси бўлимига ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Фуқаро Ашурова Иноятхоннинг мурожаати бўйича, у пенсия тайинлангандан кейин иш фаолиятини давом эттирмоқда. Демак, унинг иш стажининг ортиши ва эга бўлган (олинган) иш ҳақи ҳисобига олинган ҳолда, пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш амалга оширилмайд.

Бундан ногиронлик пенсияси мустасно.

Аҳмаджон АТАЕВ,
Бюджетдан ташқари Пенсия жағфармаси Фарғона шаҳар бўлими бош мутахассиси.

МИБ хабарлари

РИШТОНДА БИР ОИЛА МИБ КЎМАГИ БИЛАН ЯРАШДИ

■ Янги қурилган оила турмуш машаққатлари, тақдир зарбалари билан мустаҳкамланади ва тобланади. Бу синовлардан муваффақиятли ўтганларгина бахтли ҳаёт кечиради. Баъзилар эса қоқилади, муаммолар гирдобиди қоқилади.

Мажбурий ижро бюроси Фарғона вилояти бошқармаси Риштон туман бўлими иш юритишда фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро суди буйруғига асосан, қарздор К.М.дан ундирувчи А.Б. фойдасига 1 нафар фарзанд таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати мавжуд эди.

Ижро ҳужжати юзасидан бўлим ходимлари томонидан қарздор суд қарори

билан таништирилди, унинг вужудга келиши мумкин бўлган ҳуқуқий оқибатлари тушунтирилди. Натижа – оиланинг ярашувига эришилди, алимент тўлаш тўғрисидаги ижро ҳужжати ундирувчининг аризасига биноан тамомланди.

Шерзоджон ВОРИСОВ,
бюронинг Риштон туман бўлими бошлиғи уринбосари.

ҚАРЗДОР ОТА "LACETTI"СИДАН АЙРИЛИШНИ ИСТАМАДИ

■ Фуқаролик ишлари бўйича Марғилон туманлараро суди қарори билан фуқаро Т.М.га уч нафар вояга етмаган фарзандлари учун 110 миллион сўмдан ортиқ алимент қарзини тўлаш мажбурияти юклатилди. Аммо у алимент тўлаш нафақат юридик мажбурият, балки инсонпарварлик вазифаси, фарзандларни моддий таъминот билан таъминлаш ҳар бир ота-онанинг асосий бурчи эканлигини унутди чоғи. Олиб борилган ҳуқуқий тадбирлар, ҳатто жиноий жавобгарликка тортиш бўйича тушунтиришлар ҳам қор қилмади.

Натижада, Мажбурий ижро бюроси Фарғона вилоят бошқармаси томонидан Т.М.га нисбатан Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодекси 122-моддаси 2-қисми билан жиноий иш қўзғатилди. Суриштирув жараёнида қарздорнинг "Lacetti" автомашинаси аниқланди ва у жарима майдонига олиб кирилди.

Охир-оқибат қарздор ота алимент қарзини тўлашга мажбурлигини, акс ҳолда ҳам машинадан айрилиши, ҳам жазо олиши мумкинлигини англаб етди ва жиноят иши доирасида ҳисобланган зарар – 110 миллион сўмни ундирувчи Т.Д.га тўлади.

Орифжон МУРЗАЕВ,
Мажбурий ижро бюроси Фарғона вилояти бошқармаси суриштирувчиси.

Азим СУЮН,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Атиргуллар очди чирой

Атиргуллар очди чирой, Қара, қўши биллур сарой. Юлдузлар ичра танҳо ой, Азимисан менинг, Менинг азизим. Лайли юзи менга, менга бекор, Мажнун сўзи менга, менга бекор, Ширин сўзи менга, менга бекор, Фарҳод кўзи менга, менга бекор Юлдузлар ичра танҳо ой, Азимисан менинг, Менинг азизим. Мен шаҳзода, қулма, қулма қара, Қўзим сенга қўзғу менга қара. Мен шаҳзода, қулма, қулма қара, Қўзим сенга қўзғу менга қара. Фаршталар ичра сен яғонам, Фаршталар менинг, Менинг фарштам. Шаҳзодалар ичра сен яғонам, Шаҳзодалар менинг, Менинг шаҳзодам.



МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetalarini ta'hiririyati	2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.	Газета "Zakovat nashriyot uyi" МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да чоп этилди. Босмахона манзили: Наманган вилояти, Косонсой шаҳар, Чорбоғ кўчаси, 17. Буйуртма: 11415.	Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.
			Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.
Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ	Газета жума кўни чиқади. Адади: 2329 нуса.	Баҳоси келишилган нархда.	Саҳифаловчи: Алишер Розиков. Босишга топшириш вақти: 16.00. Топширилди: 16.00.